

ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ “ИСПАНИЯ” МОДЕЛИ

Навруз-Зода З.Б.

Бухоро давлат университети

“Иқтисодийёт” кафедраси доценти и.ф.ф.д(PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17490146>

Глобал туристик хизматлар бозорининг жадал суръатларда ривожланиши натижасида турли миллий туризм индустриялари ўртасида ўзаро бозор рақобати кураши чуқурлашуви ҳисобига соҳани ривожлантиришнинг самарали усулларидан фойдаланишга бўлган қизиқиш ортди. Бунинг натижасида иқтисодий фанда ҳам туризм соҳасини ривожлантиришнинг самарали усуллари, жаҳон амалиётида шаклланиган турли моделларни тадқиқ этиш ва уларни такомиллаштириш борасида ўтказиладиган тадқиқотлар сони ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда жаҳон амалиётида мамлакат туризм соҳаси иқтисодий ривожланиш салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини берувчи усуллардан бири бу соҳани кластерлаштириш ҳисобланиб, туристик кластерларни ташкил этиш орқали географик жиҳатдан ўзаро яқин жойлашган ҳудудларда туристик фаолияти йўналиши ўзаро боғлиқ ёки ёрдамчи аҳамият касб этувчи тармоқлардаги корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини яхлит бир гуруҳ шаклида ривожланиш тенденцияларини жадаллаштиришга эришилиб келинмоқда.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг аамал қилиши шароитида мамлакат туризм соҳасини ривожлантириш, жумладан, миллий туризмнинг ривожланиш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳудудларнинг туристик ресурслар бўйича мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, бир ҳудуд ичидаги ёки туристик ривожланиш салоҳияти ўзаро ўхшаш бўлган чегарадош ҳудудлар ўртасида янги турдаги туристик маршрутларни ташкил этиш оқрали соҳда иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий шакллари ривожлантирилмоқда. Жумладан, Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан 2025-2026 йилларда мамлакатда туристик оқим ҳажмини кўпайтириш борасида “республика ҳудудларига 15,8 миллион нафар хорижий туристларнинг сафарларини ташкил этиш, туризм хизматлари экспортини 4 миллиард АҚШ долларига етказиш, республика ҳудудларида янги 108 та меҳмонхона, 375 та оилавий меҳмон уйи ва 123 та хостел қуриш, 745 та капсула ва ўтов уйлари, апартамент-отель, модулли меҳмонхоналар ҳамда 12 та туризм қишлоғи ва туризм маҳалласини ташкил этиш”[1] каби устувор вазифаларнинг белгилаб берилганлиги, мамлакат туризм соҳасини ривожлантиришнинг самарали усуллари амалиётга жорий этишга устуворлик қаратиш зарурлигидан далолат беради.

Умуман олганда, юқорида келтириб ўтилган фикрларни инобатга олиб, миллий иқтисодийёт тармоқлари, жумладан туризм соҳасини ривожлантиришда кластерли усулдан фойдаланиш иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг чуқурлашуви ҳисобига мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ортиши ҳисобига нисбий ва мутлоқ рақобат устунлигига эришиш имкониятларини кенгайтиради, деган хулосага келинди.

Туризм соҳасини кластерли усулда ривожлантиришнинг Испания модели “ҳудудий ёндашув асосида, ҳар бир мамлакат ҳудудининг туристик имиджини шакллантириш ва

уни барқарор риводлантиришга қаратилган бўлиб, туристик хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган ҳудудларда юқори сифатни таъминлаш устувор аҳамият касб этиши»[2] Д.Н. Ласкенинг мамлакатда туристик кластерлар фаолиятини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлари натижасида аниқланган. Жумладан, Х. Вентура-Фернандез тадқиқотида “мамлакат туризм соҳасини кластерлаштиришда ҳудудий ёндашувга устуворлик қаратилиши натижасида ҳар бир ҳудуд ўзига хос бўлган туристик хизматлар кўрсатиш соҳасидаги нисбий ва мутлоқ устуликларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи ҳудудий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиши»[3] билан боғлиқ бўлган хусусиятларни аниқлаган.

1-жадвал

Туризм кластерларини ривожлантиришнинг Испания модели таркибий компонентлари¹

№	Таркибий компонент	Таркибий компонентларнинг изоҳланиши
1	Ҳудудий туристик брендлар	Ҳудудларнинг туристик хизматлар кўрсатиш бўйича ихтисослашувидаан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ҳудудий туристик имиджини ривожлантириш (масалан, Коста Брава, Адалусия ва ҳ.к.)
2	Маҳаллий маданий тадбирлар	Фестиваль, анъанавий байрамлар, маҳаллий гастрономия турларини ташкил этиш
3	Туристик ривожланиш стратегиялари	Ҳудудлар кесимида уларнинг туристик хизматлар кўрсатиш бўйича ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқилади
4	SMART-туризм	QR-кодланган гид хизматлари, рақамлаштирилган туристик хизматлар бўйича жамланган маълумотлар базасини шакллантириш, рақамлаштирилган технологик ечимларни кенгайтириш
5	Экологик назорат	Барқарор ривожланиш устуворликлари асосида экологик стандартларга мос келидагин туристик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш механизмларини кенг жорий этиш
6	Жамоатчилик иштирокини кенгайтириш	Туристик ҳудудларда бу турдаги хизматларни кўрсатиш жараёнига маҳаллий аҳолини кенг жалб қилиш асосида улар бандлигини рағбатлантириш

Шу билан биргаликда, Х. Рамон-Кардона томонидан “мамлакат туризм соҳасини кластерлаштиришга қаратилган ҳудудий дастурларда умумий ҳолатда соҳада кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштириш орқали “SMART-туризм”ни ривожлантириш ва унинг ривожланиш тенденциялари барқарорлигини таъминлашда экологик стандартларни жорий этилишини кучайтириш билан биргаликда, ушбу жараёнларда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга устуворлик қаратилиб келинаётганлиги»[4] илмий жиҳатдан исботланган.

¹ Муаллиф томонидан тузилган

Жумладан, Ф. Боррахо-Миллан мамлакат ҳудудларида экологик стандартлар асосида ҳудудий туристик клстерларни ривожлантириш борасида ўтказган тадқиқотлари орқали “Испания мамлакатининг Саламанка, Малага, Кадиз, Шмиолий Сарагоса, ҳамда Барселона ҳудудларида шакллантирилган туризм кластерларида кўрсатилаётган туристик хизматларнинг экологик стандартларга мувофиқлик даражаси юқори бўлганлиги сабабли, айнан ушбу ҳудудлар экотуристтик кластер марказлари сифатида ривожланаётган”[5] лиги аниқланган.

Ўтказилган таҳлилларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, мамлакат бир тарафдан экологик туризмни иккинчи тарафдан эса рақамли технологиялар асосида “SMART-туризмни ҳудудий ёндашув асосида кластерли ривожлантириши ҳисобига ўзига хос бўлган миллий туризм соҳасини ривожлантиришга эришиб келмоқда, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Бу эса Испания туризм соҳасини кластерлаштириш моделидан Ўзбекистонда экотуристтик ҳудудларни ривожлантириш билан биргаликда, туристик хизматлар кўрсатиш амалиётида рақамли технологиялардан фойдланиш орқали “Ақли” туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда амалий фойдаланишнинг долзарблигини оширади.

Туризм соҳасини кластерлаштиришнинг Испания моделини тадқиқ этиш борасида ўтказилган илмий тадқиқотларимиз асосида моделнинг ҳудудий туристик брендлар, маҳаллий маданий тадбирлар, туристик ривожланиш стратегиялари, SMART-туризм, экологик назорат ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш каби таркибий элементлардан ташкил топганлиги аниқланди.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025-2026 йилларда сайёҳлар оқимини кескин кўпайтириш ва туристик хизматлар кўламини жадал кенгайтириш орқали туризмнинг иқтисодийдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон фармони, 15.05.2025 й.
2. Lasce D.N., Manrai L.A., Manrai A.K., Gan A. A cluster analysis of tourist attractions in Spain: Natural and cultural traits and implications for global tourism, *European Journal of Management and Business Economics*, Vol. 27, Issue 3, 2018. – pp. 218-230
3. Ventura-Fernandez J., Quetglas-Llull L., and Gavira-Narvaez A. Recent Trend and Outlook of Tourist Accommodations in Spain at Various Scales: The Challenges of Touristification in Andalusian Municipalities. *Tourism and Hospitality*, Vol. 6 (2), No. 114, 2025. – pp. 1-22. DOI: 10.3390/tourhosp6020114
4. Ramon-Cardona J., Pena-Miranda D.D., and Sanchez-Fernandez M.D. Acceptance of Tourist Offers and Territory: Cluster Analysis of Ibiza Residents (Spain). *Land*, Vol. 10, No. 734, 2021. – pp. 1-15. DOI: 10.3390/land10070734
5. Borrajo-Millan F., Alonso-Almeida M-del-M., Escat-Cortes M., and Yi L. Sentiment Analysis to Measure Quality and Build Sustainability in Tourism Destinations. *Sustainability*, Vol. 13, No. 6015, 2021. – pp. 1-14. DOI: 10.3390/su13116015